



SARIOSIYO TUMAN SANITARIYA – EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK VA JAMOAT SALOMATLIGI BO'LIMI

№ 87-П - Sonli BUYRUG'I

“20” dekabr 2022 yil.

Sariosiyo tumani.

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги "Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 595-сонли қарори ҳақида.

"Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда Давлат хизматчиларининг хизмат фаолиятига оид ва хизматдан ташқари одоб-ахлоқи, жамоатчилик билан муносабатларига доир қоидаларига риоя этилишини, ходимларнинг кийиниш меъёрларини белгилаш, шунингдек деонтологик нуқтаи назаридан соғлом, маънавий, ижтимоий-психологик муҳит барқарорлигини таъминлаш, касбга нисбатан ва ўзаро ҳурмат муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги "Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 595-сонли қарори ва Республика санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил 3-июндаги 43-сонли буйруғи, Вилоят СЭО ва ЖСХБ нинг 2022 йил 27-октябрдаги 97-сонли буйруғини ижросини таъминлаш мақсадида

БУЙУРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги "Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 595-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022-йил 24-мартдаги "Тиббиёт ходимларининг одоб-ахлоқ Кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги 88-сонли ва Республика санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил 3-июндаги 43-сонли, Вилоят СЭО ва ЖСХБ нинг 2022 йил 27-октябрдаги 97-сонли буйруқлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари (кейинги ўринларда - Одоб-ахлоқ қоидалари) 1-иловага мувофиқ;

3. Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги намунавий Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Одоб-ахлоқ комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятини ташкил қилиш ва Давлат хизматчилари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш схемаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман СЭО ва ЖС бўлимида Комиссия раиси (О.Шоназаров):

Ходимлар ўртасида тиббий этика ва одоб-ахлоқ қоидалари тўғрисида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилсин;

одоб-ахлоқ қоидаларига ходимлар томонидан риоя этилмаган ҳолларда уларнинг сабабларини аниқлаб, ижобий сними бўйича раҳбариятга таклиф киритиб борсин.

Мазкур буйруқ ижроси юзасидан назорат қилиш ўз зиммамда қолдираман

Сariosiё туман СЭО ва ЖС
Бўлим бошлиғи:



Handwritten signature of F. Abdullaev

Ғ.Абдуллаев

Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари

Ушбу туман СЭО ва ЖС бўлими ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда- Одоб-ахлоқ қоидалари) Сариосиё тумани Санитария-эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими (кейинги ўринларда- туман СЭО ва ЖС бўлими) ходимларининг хизматдаги касбий одоб-ахлоқининг ва хулқ-атворининг асосий қоидаларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ходим- туман СЭО ва ЖС бўлими билан меҳнат муносабатига киришган шахс;

раҳбар - туман СЭО ва ЖС бўлими бошлиғи;

таниш-билишчилик – маҳаллийчилик ёки ошно-оғайничилик алоқаларини биринчи ўринга қўйган ҳолда уларга асоссиз имтиёзлар бериш ва қўллаб- қувватлаш мақсадида хизмат вазифасидан фойдаланиш;

ҳомийлик - ёнбосиш, қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклида, ходимни юқорироқ лавозимидаги ходим томонидан ҳимоя қилиш;

фаворитизм – кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлаш, лавозимини ошириш, мукофотлаш ва шахсий устамаларни белгилаш ва бошқаларда бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар манфаатларини бошқа шахс ва (ёки) шахслар гуруҳи манфаатларидан устун қўйиш;

манфаатлар тўқнашуви - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик асосида шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришга таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршиликлар юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

2. Қуйидагилар одоб-ахлоқ қоидаларининг асосий тамойиллари ҳисобланади:

қонунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойилик;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва ҳолислик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

туман СЭО ва ЖС бўлимига ишга кираётган шахслар одоб- ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда таништириладилар.

3. Ходимлар қонун ҳужжатларига ва Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш ходимнинг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

Ходим томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестатсиялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

II. Ходимларнинг хизматдаги хулқ-атворини белгилашнинг асосий қоидалари

4. Ходимлар қуйидагиларга мажбур:

Хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

Ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;

Юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

Ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларида белгиланган лавозим ва қолатлари доирасида амалга ошириш;

Ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

Ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣ ва бошқа

манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти- ҳаракатларга барҳам бериш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва идоравий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва таъқиқларга қатъий риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлар аро ва конфессиялар аро тотувликка қўмаклашиш;

Ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки давлат органининг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

Хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

Давлат органида хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш.

5. Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий вазлар ва бошқа субъектив сабаблар ходимларнинг қонун ҳужжатлари талабларини ва Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.

6. Ходимларга ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф кўриш тақиқланади.

7. Ходимлар коррупсия ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол қўмаклашиши шарт.

8. Ходимлар ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек бошқа ходимлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

9. туман СЭО ва ЖС бўлими раҳбари ходимлар қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, ҳудди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

10. Ходимлар касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

11. Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнатилган бўлиши, давлат органида ёхуд унинг таркибий ёки ҳудудий бўлинмасида маънавий-психологик муҳит шаклланишига қўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

12. Раҳбар кадрларни қариндошлик, ҳам шаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг олдини олиши лозим.

13. Раҳбар:

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чоратadbирлар кўриши;

Коррупсиянинг олдини олиш чораларини кўриши;

Ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

14. Ходимлар ўзларининг хизматдаги хулқ-атвори билан жамоада бошқа ходимлар билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этилади.

15. Ходимлар хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Ходимлар ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл

кўймаслиги керак.

16. Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда ходимларнинг ташқи кўриниши фуқароларнинг давлат органига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

17. Ходимлар хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб- ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.

III. Манфаатлар тўқнашуви

18. Ходимлар ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви ходимларнинг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини ҳолисона ва бегараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Ходимларнинг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

19. Ходимлар ўзларининг ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига ёки уларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги, шунингдек лавозимни эгалламаслиги керак.

Ходим ҳар қандай ҳолатларда ҳам ўз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

20. Ходим лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришга таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликнинг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида юқори турувчи ташкилотга маълум қилиши шарт.

IV. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

21. туман СЭО ва ЖС бўлими ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

22. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Сариосиё туман СЭО ва ЖС бўлимининг
2022 йил 20 - декабрдаги

87-7 -сонли буйруқига 2-Илова



Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимининг Одоб-ахлоқ комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) Сариосиё тумани Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими ходимлари (бундан буён ходим деб юритилади) томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш учун тузилади.

2. Комиссия фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

3. Комиссия Сариосиё тумани Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимининг (бундан буён матнда туман СЭО ва ЖС бўлими юритилади) буйруғи билан ходимлар орасидан Комиссия раиси ва аъзоларини қўшганда етти кишидан кам бўлмаган таркибда тузилади.

Комиссия таркибига ўз фаолиятида салмоқли тажрибага эга, жамоа ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлган ходимлар киритилади.

4. Комиссиянинг сон ва шахсий таркиби туман СЭО ва ЖС бўлими буйруғи билан ўзгартирилиши мумкин.

2-боб. Комиссиянинг ваколатлари

6. Комиссия ўз ваколатлари доирасида:

Ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этилиши масалаларини кўриб чиқади;

Ходимлар ўртасида қоида бузарликларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан хулосалар тайёрлайди;

ходимлар, туман СЭО ва ЖС бўлимининг бўлими мудирлари ва лаборатория ҳамда таркибий бўлинмалар ходими томонидан умумий қабул қилинган ахлоқ нормаларини, одоб-ахлоқ қоидаларини бузадиган, ходим обрўсини тўкадиган ва туман СЭО ва ЖС бўлими нуфузига путур етказадиган хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг айрим ходимларнинг хатти-ҳаракатларига доир мурожаатларини кўриб чиқади;

ходимларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз ваколатларини амалга ошириши чоғида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан ходимларнинг ҳуқуқлари бузилишлари ҳақидаги аризаларини кўриб чиқади;

ходимларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳамда ходим фаолиятининг бошқа кафолатларини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади;

ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан мониторингни амалга оширади;

одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

туман СЭО ва ЖС бўлими раҳбариятининг топшириғига биноан ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиб чиқиб, унинг натижалари ҳақида туман СЭО ва ЖС бўлими раҳбарини хабардор қилади;

ўзининг кўриб чиқиши учун киритилган масалаларни хал этиш учун Комиссия мажлисларига мутахассисларни таклиф этади;

7. Комиссия туман СЭО ва ЖС бўлимидаги таркибий бўлинмалари, бошқа органлар, мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қилади.

3-боб. Комиссия ишини ташкил этиш

8. Комиссия мажлислари заруриятга қараб ўтказилади.

Комиссия мажлислари очик тарзда ўтказилади. Зарур ҳолларда Комиссия ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

9. Комиссия мажлисини Комиссия раиси, у йўқлигида эса, унинг топшириғига биноан Комиссия аъзоларидан бири олиб боради. Комиссия мажлисида баённома юритилади, уни раислик қилувчи имзолайди.

10. Комиссия мажлислари, агар уларда Комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатлидир.

11. Комиссиянинг келгуси мажлиси тўғрисида унинг раиси Комиссия аъзоларига ёзма равишда, қоида тариқасида, камида икки кун олдин хабар қилади, шунингдек мажлиснинг бошқа иштирокчиларини олдиндан хабардор этади.

12. Комиссия кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорларни Комиссиянинг кўпчилик овози билан қабул қилади. Комиссия қарорини унинг мажлисида раислик қилувчи имзолайди.

13. Комиссия раиси:

Комиссия ишини ташкил этади;

Комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказди;

Комиссия аъзоларига топшириқлар беради;

туман СЭО ва ЖС бўлими мажлисларида Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади;

ҳар йили туман СЭО ва ЖС бўлими Комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

14. Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиши ва ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиш имкони бўлмаганда Комиссия раисини олдиндан хабардор этиши шарт.

15. Комиссия аъзоси:

Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз беришга;

Комиссиянинг кўриб чиқиши учун масалалар ва таклифлар киритишга;

Қарорлар тайёрланишида, муҳокамасида, қабул қилинишида, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга;

Кўриб чиқиладиган масалага доир ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ахборот билан танишиб чиқишга;

Комиссия қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини баён этишга ҳақли.

4-боб. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби

16. Комиссия одоб-ахлоқ қоидалари бузилишлари билан боғлиқ масалаларни:

туман СЭО ва ЖС бўлими раҳбариятининг топшириғига биноан;

туман СЭО ва ЖС бўлими ходимларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан;

ўз ташаббуси билан кўриб чиқади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқиладиган.

17. Ходим ўзининг ҳуқуқи, шаъни ва кадр-қиммати, ишчанлик обрўсига дахл қиладиган асоссиз ариза тақдим этилган тақдирда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни ҳимоя қилишга ҳақли.

18. Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва ҳолисона қарор қабул қилиш мақсадида, ўзига нисбатан масала кўриб чиқиладиган ходим, зарур бўлган ҳолларда эса, аризачилар ва бошқа шахслар таклиф этилади. Комиссия мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг келмаслиги аризани ёки шикоятни, туман СЭО ва ЖС бўлими раҳбариятининг топшириғини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

19. Комиссия мажлисида:

Кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади;

туман СЭО ва ЖС бўлими раҳбариятининг топшириғи ёки ходим томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади;

одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисида ўзига нисбатан шикоят ёки ариза тушган

ходим, зарур бўлган ҳолларда эса, аризачи эшитилади.

20. Ходим Комиссияга ўз ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қимматининг ҳимояси учун материаллар ҳамда бошқа ахборотни тақдим этишга ҳақли.

21. Ариза материаллари туман СЭО ва ЖС бўлимининг топшириғи билан танишиб чиқиш якунлари бўйича Комиссия ходимнинг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини, ходимга нисбатан аниқ таъсир кўрсатиш чораларини кўрсатган ҳолда ёхуд ходимнинг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши фактининг мавжуд эмаслигини белгилайди.

22. Одоб-ахлоқ қоидаларининг ходим томонидан бузилганлиги факти аниқланган тақдирда, Комиссия:


Ходимга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги таъсир кўрсатиш чорасини қўллаш тўғрисида; туман СЭО ва ЖС бўлими раҳбарига ходимга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш ҳақида тақлиф киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

23. Ходимнинг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши фактининг мавжуд эмаслиги аниқланган тақдирда, муружаат кўриб чиқилмайди.

24. Комиссия қабул қилинган қарор ҳақида аризачига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган ходимга ва туман СЭО ва ЖС бўлими раҳбариятига ёзма равишда маълум қилади

25. Муружаат унинг ташаббускори томонидан Комиссия қарори қабул қилингунига қадар қайтариб олиниши мумкин.

26. Тарафларнинг ярашуви, шунингдек ходим ўз хоҳиши билан ошкора узр сўраган ҳолларида, ўзига нисбатан таъсир чоралари қўлланилишидан озод этилиши мумкин.

	Нархот қоди	1123324010410
	Нархот қоди	1123324010410
	Нархот қоди	34 сен 2023 10:08
	Нархот қоди	С.ВИИ УВДОЛГ.УАЕА ИСМОЛГОЛОН
	Соҳе ил эркинлиги	

Бироктои қадимий тарихий раҳбарлиги ил эркинлиги ил эркинлиги

Нархот Бироктои қадимий тарихий раҳбарлиги ил эркинлиги

Валлий раҳбарлиги

(қодиқнинг нархот)

(қодиқ)

Нархот раҳбарлиги раҳбарлиги ил эркинлиги о'з ширинлиги раҳбарлиги

Нархот о'з ширинлиги

хоҳинлиги о'з ширинлиги қодиқнинг раҳбарлиги ил эркинлиги ил эркинлиги раҳбарлиги


қодиқнинг раҳбарлиги ил эркинлиги ил эркинлиги раҳбарлиги

қодиқнинг раҳбарлиги ил эркинлиги ил эркинлиги раҳбарлиги

қодиқнинг раҳбарлиги ил эркинлиги ил эркинлиги раҳбарлиги

Сариосиё туман СЭО ва ЖС бўлимининг
2022 йил 20-декабрдаги
87-Т -сонли буйруқига 3-илова

Одоб-ахлоқкомиссияси
ТАРКИБИ



1	О.Шоназаров	Санитария врачл, раис.
	Аъзолар:	
2	Д.Шукуров	Жамоатчилик билан ишлаш бўлими мудирл
3	А.Сатторов	Паразитология бўлими мудирл
4	М.Наимов	Эпидемиология бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси
5	Н.Қурбонов	Дезинфекция бўлим бошлиғи
6	Б.Бўриева	Бактериология лабораторияси мудираси
7	З.Шоназарова	Санитария гигиена Лабораторияси бўлими мудирл, комиссия
8	А.Турсунов	СКП Эпидемиолог врачл
9	С.Джўраева	Касаба уюшмаси аъзоси
10	Т.Худаяров	Касаба уюшмаси раиси
11	А.Закиров	НМ ва МА бўлими мудирл

Изох:Заруратга кўра қўшимча равишда комиссия таркибига мутахассислар жалб этилиши мумкин, ходим лавозимидан озод этилганда ёки бошқа ишга ўтганда, унинг ўрнига тайинланган ходим ишчи гуруҳ аъзоси ҳисобланади.

Одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятини ташкил қилиш ва давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
I. Комиссия фаолиятини ташкил этиш			
1-босқич	Давлат органи ва ташкилоти раҳбари	1. Давлат органлари ва ташкилот-ларида Одоб-ахлоқ комиссияларини (кейинги ўринларда - Комиссия) Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат таркибда, умумий сони камида беш нафардан кам бўлмаган миқдорда тоқ сонда шакллантириш. 2. Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган давлат хизматчиларини киритиш. 3. Комиссия таркибини тасдиқлаш. 4. Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ман-фаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритилади.	Икки ҳафта муддатда Заруратга кўра
2-босқич	Комиссия раиси	Комиссия ишини ташкил этади, комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказиши мажлисига раислик қилади. Комиссия номидан иш юритади, Комиссия мажлисларида Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади. Давлат органи ва ташкилоти раҳбарига Комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.	Маълумотлар киритилган вақтдан бошлаб Ҳар йили йил якуни бўйича
	Комиссиянинг котиби	Кун тартибига мувофиқ Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади. Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қилади. Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади, навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди. Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённо-манинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди.	Мажлисдан камида икки кун олдин Мажлисдан кейин бир кун муддатда
II. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларини кўриш			
1-босқич	Комиссия Давлат органининг тар-	Комиссия мунтазам равишда давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишининг олдини олишга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи	Комиссия томонидан тасдиқланадиган чораклик иш режалари асосида

	кибий бўлинмалари касабалари уюшмалари кўмиталари	профи-лактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади: давлат хизматчиларида юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш; давлат хизматчилари “халоллик вакцинаси” билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш; давлат органи ва ташкилотда таниқли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳаси, шунингдек диний соҳанинг кўзга кўринган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориш; давлат органи ва ташкилотда ходимларининг касбий ва бошқарув кўникмалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равишда оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий ошириш ишларини таъминлаш; давлатхизматчиларининг иқтисодий билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини таъминлаш мақсадида иқтисодий ва ҳуқуқий ўқишлар ташкил этиш; янги ишга қабул қилинган давлат хизматчиларини одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик суҳбатлар ташкил қилиш; давлат хизматчиларини малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш.	
2-босқич	Комиссия	Давлат хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлигини Комиссия йиғилишида муҳокама қилади.	Ҳар йили яқунлари бўйича
III. Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш			
1-босқич	Комиссия	Комиссия давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишлари билан боғлиқ масалаларни: Давлат органи ва ташкилоти раҳбари-нинг топшириғига кўра; Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мурожаатига асосан; Давлат хизматчиларнинг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг	Заруратга кўра

		мурожаатларига биноан; Ўз ташаббуси билан кўриб чиқади.	
2-босқич	Комиссия раиси ва аъзолари	Комиссия мажлисида: кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади; давлат органи ва ташкилоти раҳбари-нинг топшириғи ёки давлат хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузил-ганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади; одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаган-ликда айбланаётган давлат хизматчиси ва мурожаатчилар тушунтиришлари эши-тилади.	Мажлис ўтказиладиган кун
	Давлат хизматчис и	Ўзининг ҳукуки, шаъни ва кадр-қиммати, ишчанлик обрўсига дахл қиладиган мурожаат бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзини ҳимоя қилишга, Комиссияга зарур материаллар ҳамда бошқа ахборотларни тақдим этишга ҳақли.	
3-босқич	Комиссия	1. Мажлис якуни бўйича давлат хизматчисининг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади. 2. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги факти аниқланган тақдирда давлат хизматчиларига қуйидаги ахлоқий таъсир чоралари қўллайди: огохлантириш; узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш; давлат органи ва ташкилотининг кенгайтирилган мажлисида танбех бериш. 3. Давлат хизматчисига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун давлат органи ва ташкилоти раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин. Қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган давлат хизматчисига ва давлат органи ва ташкилоти раҳбарига ёзма равишда маълум қилади.	Мажлис ўтказилад иган кун
4-босқич	Комиссия	Одоб-ахлоқ қоидалари давлат органи ва ташкилоти раҳбари томонидан бузилган тақдирда уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни юқори турувчи давлат органи ва ташкилоти раҳбарига юборади.	Заруратга кўра
5-босқич	Комиссия Давлат хизматчис и	Комиссиянинг қарори устидан давлат органи ва ташкилоти раҳбарига ёки судга шикоят қилиш мумкин.	